

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат аграр университетети.
- Инновацион технологиялар вазирлиги уруғчиликни ривожлантириш маркази

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи	4
1.2.1. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
2.3. Касбий квалификациялар.....	8
3. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	9
Библиографик маълумотлар.....	10

1. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги- қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулоти ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ер, сув, энергетика ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш билан қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги тармоқларида фан ва ишлаб чиқариш; шу экинлар билан илмий-тадқиқотлар ўтказиш; ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизими муассасаларда махсус фанларни ўқитишни ташкиллаштириш.

1.2.2. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг объектлари:

- ер, сув, энергетика ва моддий техник ресурслар, қ/х техникаси;
- кимёвий ва биологик воситалар;
- гўза ўсимлиги;
- донли экинлар
- мева-сабзавот экинлари

- мойли экинлар
- уруғлар;
- селекция жараёни;
- уруғчилик тизими;
- ўқув жараёни;
- педагогик фаолият;
- илмий тадқиқот жараёни;
- лойиҳалаштириш жараёни.

1.2.3. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот фаолияти
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- лойиҳа- технологик фаолияти;
- сервис хизматини кўрсатиш фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;

-Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-педагогик ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

- консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.

1.2.4. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

- 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилигида янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилигининг прогрессив технологияларини татбиқ этиш;

- қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилигининг экспериментал изланиш ишларини намунавий услубиятга асосан мустақил ўтказиш ва улардан олинган натижаларга ишлов бериши;

- олинган натижалар бўйича илмий ҳисоботлар тайёрлаш;

- қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш ва синаш усулларини ишлаб чиқиш;

- илмий ишларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши;

- қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасида ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича адабиётлар шарҳларини ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиши ва маърузалар қилиш;

- илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолалар тайёрлаши;

- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиши;

- инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти:

– қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини етиштириш агротехнологияларидан фойдаланиш;

– фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини етиштириш технологияларини ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларидан фойдаланишни асослаш;
- қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини етиштиришда замонавий технологияларни татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротехник тадбирларни бажарилиш сифатини назорат қилиш;
- замонавий ахборот технологиялар, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда қўллаш;
- қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилигида замонавий технологияларни қўллаш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш лозим.

Лойиҳа технологияси фаолиятида:

- қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилигида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўйишда бирламчи манбаларни тайёрлаш;
- қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилигида агротехник тадбирлари бўйича технологик харитасини тузиш;
- қишлоқ хўжалик экинларида нав алмаштириш ва янгилаш тизими, схемаси ва муддатларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалик экинлари махсулоти сифатини аниқлашда чет эл ва ватанимизда қўлланиладиган усуллари ҳамда асбобларидан фойдаланиш;
- лойиҳа тузишда ИКТ ва компьютер техникасидан фойдаланиш;

- Сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:

- - хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;
- - қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги соҳаси бўйича сервис хизматини кўрсатиш
- - фермерларга қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигидан маслаҳат бериш қобилиятларига эга бўлиши керак;

Ташкилий-бошқарув фаолияти:

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш фаолиятида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш сифатини бошқариш жараёнларини такомиллаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Олий, малака ошириш, ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-педагогик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда):

- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;
- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириши;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- қишлоқ хўжалик экинларини ҳосилдорлигини оширишда селекция усулларини Ёшқллаш ва тупроқлар унумдорлигини ошириш бўйича фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа эгаларига маслаҳат бериши;
- уруғчиликда инновацион ишланмалар бўйича таҳлиллар тузиши;
- селекция ва уруғчилик соҳасида илғор тажрибалар ва фан ютуқлари тўғрисида маълумотлар излаши ва уларни умумлаштириши ҳамда оммалаштириши;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

2. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- Селекция ва уруғчилик тармоқларида касбий билимларни амалда қўллаш ;
- индивидуал ва гуруҳларда ишлашда қарорларни қабул қилиш;
- фан ва техникани замонавий ривожланиши шароитларида янги билимларни тезкор эгаллаш;
- интернет тармоғида илмий ва технологик жараёнларининг янги маълумотларини мақсадли излаш;
- селекция ва уруғчиликни самарали юритишни ташкил этиш;
- селекция ва уруғчилик ишчи кучи, техника воситалари бошқа материалларни ҳисоблай билиши;
- уруғчиликни ташкил этиш ва жойлаштириш учун ер майдонини тақсимлаш;

- уруғликларни етиштириш учун энг юкори ҳосилли навларни, энг самарали техника воситаларини танлай олиш;
- қишлоқ хўжалик экинлари навларини танлаш, кўпайтириш ва етиштириш технологиясини ўзлаштириш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этиш қобилиятига эга бўлиш;
- селекция ва уруғчиликни такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар маълумотларни излаб топиш ва амалга ошириш;
- мехнат жамоасининг меҳнати илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усулларини қўллаш олиш;
- иш сифати учун масъулиятни хис қилиш , ўз билимлари ва маҳоратларидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш , жароҳатланиш ва касбий касалликлар олдини олиш бўйича чора тадбирларни амалга оширишни билиш;

2.3.Касбий квалификациялар:

Ғўза бирламчи уруғлик станцияси агрономи, ғўза элита хўжалиги агрономи, дон-дуккакли экинлар бирламчи уруғлик станцияси агрономи, дон-дуккакли экинлар элита хўжалиги агрономи, мойли экинлар бирламчи уруғлик станцияси агрономи, мойли экинлар элита хўжалиги агрономи, агроном апробатор, уруғчи агроном, уруғназорат инспекцияси агрономи, маҳаллий ва чет эл уруғларини етказиб бериш сервис, ғўза уруғчилиги техник назоратчиси лаборанти, бошоқли ва дуккакли дон, мойли экинлар уруғчилиги лаборанти, ғўза уруғчилиги лабораторияларини бошқариш квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Умумметодологик фанлар блоки:

миллий ғоя Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси бўйича билимлар берилиши; илмий ижод ва тадқиқот методологиясининг асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, илмий қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва таҳлил қилиш, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлар шакллантириши;

педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, нутқ маданияти асослари, таълимнинг тамойиллари ва замонавий усуллари юзасидан асосий билимларни таъминлаши;

мутахассисликка доир бошқа долзарб илмий, илмий-методологик, илмий-техник ахборот ва билимларни, кўникма ва ўқувларини шакллантириши;

амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши.

Мутахассислик фанлари блоки:

- муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши;

- мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

- магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий ўқув ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Танлов фанлари блоки:

Мутахассислик фанларини ўқитиш услуби билими билан таъминлаш; Магистрантларни истеъмолчилар ва бошқаларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, мутахассислик фанларнинг замонавий техника ва технологиялар бўйича эришган ютуқлари бўйича қўшимча маълумотлар билан таъминлаш.

Илмий фаолият блоки: илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:

муस्ताқил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;
ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишлар:

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка:

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш;

фан, аграр соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;
касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Стажировка илмий тадқиқот ишлари тақозо этганида индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

3.2. 5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми муस्ताқил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий таълим ва илмий фаолият	54%
<i>Шу жумладан, муस्ताқил таълим</i>	-
Аттестациялар	9%
Таътилар	18%
Илмий амалиёт (стажировка)	19%

5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) магистратура мутахассислиги дастурининг тузилиши

Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Умумметодологик фанлари	240
1.01	Илмий-тадқиқот методологияси	60
1.02	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	60
1.03	Амалий хорижий тил	120
2.00	Мутахассислик фанлари	930
2.01	Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилигида хорижий тажрибалар	150
2.02	Қишлоқ хўжалик экинлари селекциясининг генетик асослари	150
2.03	Селекция ва уруғчиликда инновацион технологиялар	210
	Селекция ва уруғчилик (ғўза)	
2.04	Ғўза навшунослиги ва нав янгилаш	210
2.05	Ғўза уруғчилигининг илмий асослари	210
	Селекция ва уруғчилик (донли экинлар)	
2.04	Донли экинлар навшунослиги ва нав янгилаш	210
2.05	Донли экинлар уруғчилигининг илмий асослари	210
	Селекция ва уруғчилик (мева-сабзавот экинлари)	
2.04	Мева-сабзавот экинлари навшунослиги ва нав янгилаш	210
2.05	Мева-сабзавот экинлари уруғчилигининг илмий асослари	210
	Селекция ва уруғчилик (мойли экинлар)	
2.04	Мойли экинлар навшунослиги ва нав янгилаш	210
2.05	Мойли экинлар уруғчилигининг илмий асослари	210
2.06	Танлов фанлари	630
	Жами:	1800
3.00	Илмий фаолият	1800
3.01	Илмий-тадқиқотиши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш	780
3.02	Илмий семинар	180
3.03	Илмий-педагогик иш	360
3.04	Илмий амалиёт (стажировка)	480
	ЖАМИ:	3600
5.00	Аттестациялар	540
	ҲАММАСИ:	4140

Ўқув ишлар бўйича проректор



С.Я.Исламов

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети

Ректор Б.А. Сулаймонов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН

**Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
таъбиқ этиш маркази**

Директори З.Хакимов

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.

**Қишлоқ хўжалик вазирлиги хузуридаги
уруғчиликни ривожлантириш маркази**

Директори Ш.Э.Намазов

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.



**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва
етиштириш агротехнологиялари ИТИ**

Директори А.Равшанов

« 30 » июль 2020 й.

М.Ў.



**ЎзФА. Ўсимликлар генетикаси ва
экспериментал биологияси институти**







Директори А.А.Наримонов

2020 йил « 30 » июль


М.Ў.



5A410401 – Селекция ва уруғчилик (экинлар гуруҳи бўйича) таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби

Т/Р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, ишжойи	Имзо
Раис			
1	Х.Алланов	Агробиология факультета декани, доцент кишлок хужалиги фанлари номзоди	
Аъзолари:			
1	С.Жўраев	Агробиология факультети ўқу раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари	
2	М.С.Рахманкулов	ТошДАУ Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси мудир, кишлок хўжалик фанлари доктори	
3	М.Аберкулов	ТошДАУ Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси доцент, биология фанлари номзоди	
4	Г.Холмуродова	ТошДАУ Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси профессор, к.х.ф.д.	
5	С.Х.Турсоатов	ТошДАУ Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси ассистенти	

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я.Исламов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий
фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

№	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	Шифри	номи	
1	5410400	Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги таълим йўналиши (Бакалавриат)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Селекция ва уруғчилик тармоқларида касбий билимларни амалда қўллаш ; -индивидуал ва гуруҳларда ишлашда қарорларни қабул қилиш; -фан ва техникани замонавий ривожланиши шароитларида янги билимларни тезкор эгаллаш; -интернет тармоғида илмий ва технологик жараёнларининг янги маълумотларини мақсадли излаш; -селекция ва уруғчиликни самарали юритишни ташкил этиш; -селекция ва уруғчилик ишчи кучи, техника воситалари бошқа материалларни ҳисоблай билиши; -уруғчиликни ташкил этиш ва жойлаштириш учун ер майдонини тақсимланишини; -уруғчиликни етиштириш учун энг юқори ҳосилли навларни, энг самарали техника воситаларини танлай олишни; -қишлоқ хўжалик экинлар навларини танлаш, кўпайтириш ва етиштириш технологиясини; -тадқиқот натижаларини ишланмаларни тадбиқ этишда кадрнинг қобилиятига эга бўлиши керак -селекция ва уруғчиликни такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар маълумотларни излаб топиш ва амалга оширишини; -мехнат жамоасининг меҳнати илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усулларини қўллаш олиши; -иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш , ўз билимлари ва маҳоратларидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш; -атроф муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш , жароҳатланиш ва касбий касалликлар олдини олиш бўйича чора тадбирларни амалга оширишни билиши керак . - инновацион гоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш.

2	5A410401	Селекция ва уруғчилик (экинлар гурухи бўйича) магистратура мутахассислиги	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларига эга бўлиши керак:</p> <p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ҳар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> -экспериментал изланиш ишларини намунавий методикага асосан мустақил ўтказиш ва улардан олинган натижаларга ишлов бериш; -ишланмалар бўйича илмий ҳисоботлар тайёрлаш; -янги навлар ва етиштириш усулларини ишлаб чиқаришда синаб кўриш; -илмий ишларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш; -ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш; -илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолаларни тайёрлаш; -инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиш; -атроф муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликлар олдини олиш бўйича чора тадбирларни амалга оширишни билиши керак. -иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратларидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш -инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиши, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш; -илмий-изланишлар ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга мустақил татбиқ қила олишни; -илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиши мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиши; -илмий тадқиқот натижаларини умумлаштириш замонавий ахборот коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда илмий нашрларни тайёрлашни; -замонавий педогогик ва ахборот коммуникацион технологияларни тарбиявий фаолиятининг интерактив методларини қўллаган ҳолда педогогик фаолиятни олиб боришни; -маҳсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш; -ғўзада нав янгилаш илмий асослари. -ғўзада навдорлик белгиларига таъсир этувчи омиллар ; -ғўза уруғчилигида нав янгилашнинг назарий асослари; -ғўзанинг янги навларини яратишда муҳим навдорлик белгиларини турли селекция усуллари ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни;
---	----------	---	---

			<p>-донли экинлар нав янгилаш илмий асослари.</p> <p>-донли экинлар наводорлик белгиларига таъсир этувчи омиллар ;</p> <p>-донли экинлар уруғчилигида нав янгилашнинг назарий асослари;</p> <p>-донли экинлар янги навларини яратишда муҳим наводорлик белгиларини турли селекция усуллари ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни-мева – сабзавот экинлари селекция ишларини ахамияти тўғрисида;</p> <p>-мева-сабзавот экинларининг гуллаш биологияси, уруғшунослиги;</p> <p>-мева-сабзавот экинлари уруғларининг тури шаклланиш хусусиятлари;</p> <p>-мева-сабзавот экинларининг навларини ажрата билиш;</p> <p>-мевали экинлар ва сабзавотларнинг гулларидан чангларнийиғиб олиш;</p> <p>-мева кўчатзорларида олиб бориладиган тадбирларни назорат қилиш;</p> <p>-мойли экинлар нав янгилаш илмий асослари.</p> <p>-мойли экинлар наводорлик белгиларига таъсир этувчи омиллар ;</p> <p>-мойли экинлар уруғчилигида нав янгилашнинг назарий асослари;</p> <p>-мойли экинлар янги навларини яратишда муҳим наводорлик белгиларини турли селекция усуллари ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилишни;</p> <p>-ўқув-услубий кўрсатмалар , маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машгулотларидан қўлланмалар, таркатмаматериаллар , ўқув фанлари ишчи дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиш ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатларни тайёрлашни;</p> <p>-талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими низомидан тўғри фойдаланишни;</p> <p>-ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.</p>
--	--	--	--

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги уруғчиликни
ривожлантириш маркази директори**



Ш.Э.Намазов

Ш.Э.Намазов

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти директори**

А.Равшанов

А.Равшанов

**ЎзФА ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси
илмий тадқиқот институти директори**



А.А.Наримонов

А.А.Наримонов

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Қибрай тумани

“30” ИЮЛЬ 2020 йил

Қатнашдилар: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси – Ш.Абдуразақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши раиси-М.Тулаходжаева, Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкинлари ва картошқачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзақов, Самарқанд ветеринария медецинаси институти ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инobatга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокамаси.

Сўзга чикди: А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, ҚарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхоналарнинг малакали мутахассислари иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан тақриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги

343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига асосан тузилган ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳасининг тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш катнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Эшитилди: ТДАУ ректори Б.А.Сулаймонов – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг таклифлари асосида **25 та** бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб таълимнинг кредит-модуль тизимида тайёрлаш йўлга қўйилади. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун ҳафтада беш кунлик ўқиш ҳамда ҳафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгиланади.

Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддати 2 йил этиб белгиланади. Бакалаврият таълим йўналишларининг сиртки таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Университет ишчи гуруҳлари томонидан ривожланган хорижий тажрибалар асосида қуйидаги 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, **25 та** бакалаврият таълим йўналишлари ва **33 та** магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалар ишлаб чиқилди:

№	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
	Бакалаврият таълим йўналишлари	
1	5230100	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)
2	5230400	Маркетинг (қишлоқ хўжалигида)
3	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида)
4	5232500	Логистика (агрологистика)
5	5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият
6	5310900	Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)
7	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигида)
8	5320500	Биотехнология (тармоқлар бўйича)
9	5410100	Агрокимё ва агротупроқшунослик
10	5410200	Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)
	5410200	Агрономия (анорчилик)
	5410200	Агрономия (дончилик)
	5410200	Агрономия (пахтачилик)
	5410200	Агрономия (мойли экинлар)
	5410200	Агрономия (шоличилик)
	5410200	Агрономия (ем-хашак экинлари)
	5410200	Агрономия (соя экини агротехникаси)
	5410200	Агрономия (техник экинлар)
	5410200	Агрономия (сабзавотчилик ва полизчилик)
11	5410300	Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича)

№	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
12	5410400	Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уругчилиги (экин турлари бўйича)
13	5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
14	5410600	Зооинженерия (асаларичилик)
15	5410600	Зооинженерия (балиқчилик)
16	5410800	Ўрмончилик
17	5410900	Ипакчилик ва тутчилик
18	5411000	Мевачилик ва узумчилик
19	5411100	Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси
20	5411200	Манзарали богдорчилик ва кўкаламзорлаштириш
21	5411500	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
22	5411600	Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачилик
23	5411700	Иссикхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш
24	5610300	Туризм (агротуризм)
25	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (қишлоқ хўжалигида)
Магистратура мутахассисликлари		
1	5A230102	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)
2	5A230901	Бухгалтерия ҳисоби (қишлоқ хўжалигида)
3	5A232501	Логистика (агрологистика)
4	5A233301	Агробизнес ва инвестицион фаолият
5	5A310901	Маҳсулотлар хавфсизлиги ва уларнинг сертификацияси (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)
6	5A320501	Биотехнология (маҳсулот тури бўйича)
7	5A410101	Агротупрокшунослик ва агрофизика (соҳалар бўйича)
8	5A410102	Агрокимё
9	5A410201	Агрономия
10	5A410202	Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)
11	5A410203	Органик деҳқончилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги
12	5A410301	Ўсимликлар ҳимояси (усуллари бўйича)
13	5A410302	Энтомология
14	5A410303	Фитопатология
15	5A410304	Ўсимликлар ҳимоясида мониторинг ва башорат
16	5A410401	Селекция ва уругчилик (экинлар гуруҳлари бўйича)
17	5A410501	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)
18	5A410606	Балиқчилик
19	5A410801	Ўрмончилик
20	5A410901	Ипакчилик
21	5A410902	Тутчилик
22	5A411001	Сабзавотчилик ва полизчилик
23	5A411002	Мевачилик
24	5A411003	Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш
25	5A411004	Картошқачилик
26	5A411005	Мева-сабзавотчиликда биотехнология
27	5A411101	Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси
28	5A411201	Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли дизайн
29	5A411202	Манзарали богдорчилик

№	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
30	5A411501	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини
31	5A411701	Ҳимояланган ер мева-сабзавотчилиги
32	5A411702	Субтропик ва цитрус мева экинлари
33	5A630102	Экология (қишлоқ хўжалигида)

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетиде ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига турдош ОТМларининг таклифлари киритилсин.

3. Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига белгиланган муддатда тақдим этилсин.

Мажлис раиси

Котиб



Б.А.Сулаймонов

Д.М.Мустафакулов

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Қибрай тумани

“30” сентябрь 2020 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси - М.Тулаходжаева, Богдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ

хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори - С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори - Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори - Ў.Умурзаков, Самарқанд ветеринария медецинаси инситути ректори - Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори - К.Комилов, ТДАУ Нукус филиали директори - Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори - А.Жўраев, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламовлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, шунингдек, 25 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари томонидан муҳокамадан ўтказилиб, келишилди.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, малака талаблари ва ўқув режаларининг мазмуни билан таништириб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

№	Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	
	шифри	номи
	Бакалаврият таълим йўналишлари	
1	5230100	Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалигида)
2	5230400	Маркетинг (қишлоқ хўжалигида)
3	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қишлоқ хўжалигида)
4	5232500	Логистика (агрологистика)
5	5233300	Агробизнес ва инвестицион фаолият
